



Халқ депутатлари Тойлоқ туман Кенгашининг
Қ А Р О Р И

2020 йил « 6 » февраль 17/2 -сон

**Тойлоқ туман маҳаллий бюджетининг
2020 йил 1 январ ҳолатига эркин қолдиқ
маблағлари ҳисобидан амалга
ошириладиган тадбирлар тўғрисида**

Барчамизга маълумки, Мамлакатимиз тарихида илк марта Ўзбекистон Республикасининг Давлат Бюджети тўғрисида Қонуни лойиҳаси кенг муҳокамалардан сўнг, Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 21 ноябрда, Сенат томонидан 2019 йил 30 ноябрда маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 9 декабрда (ЎРҚ-589-сонли) тасдиқланди.

Мазкур қонун билан, 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилди ҳамда Республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Қонуннинг 20-моддасида туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги молия бўлими мудирининг таклифига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши ҳамда туман маҳаллий бюджети қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, туман ҳокимининг таклифига асосан туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1 январ ҳолатига эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги “Обод қишлоқ дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли қарори идросини таъминлаш мақсадида тумандаги 2019 йил “Обод қишлоқ” дастури доирасида реконструкция қилинган Жумабозор ҚВП ва 30-сонли умумтаълим мактабида бажарилган қурилиш таъмирлаш ишларидан мавжуд 964,0 млн.сўм қарздорликларни қоплаб бериш учун “Сохтмон люкс строй” МЧЖ 343,0 млн сўм, “Сам механик кўчма карвон”МЧЖ 621,0 млн сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифлари давомида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Ворсин қишлоғи ҳудудида жойлашган собиқ Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биносининг бир қисмида ташкил қилинган “Хунармандлар маркази”ни таъмирлаш учун 170,0 млн.сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

3. 2017 йилда туман ҳокимлиги биноси ва мажлислар залинини таъмирлашдан қолган қарздорликни қоплаш 300,0 млн.сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

4. Тумандаги ичимлик суви таъминоти оғир аҳволда бўлган қишлоқларга сув тармоғи тортиш учун сув қувурлари сотиб олишга 40,0 млн.сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида туман Давлат хизматлари марказининг биносини қуриш учун 272,0 млн.сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

6. Туман ҳокимлигига кўрсатилган архив хизматларидан мавжуд қарздорлигини қоплаш учун 29,0 млн.сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги 4 та секторлар ишида фаол қатнашган сектор штаби аъзоларини рағбатлантириш учун 20,0 млн.сўм ҳамда зарурий идора ашёлари билан таъминлаш учун 7,0 млн.сўм маблағ йўналтирилсин;

8. “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси билан туман ҳокимлиги туман бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, халқ депутатлари Тойлок туман Кенгашининг 2019 йил 19 декабрдаги “Тойлок туманининг 2020 йилги бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 56/194-сонли қарорига асосланиб шунингдек, сессия қатнашчиларининг фикр ва муносабатларини ҳисобга олиб халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Туман ҳокимлиги молия бўлими мудири Ю.Бобоназаровнинг 2020 йил 1 январ ҳолатига туман маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан йуналтирилиши керак булган тадбирларга таклифлари тўғрисида берган ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тойлок туман ҳокимлиги Молия бўлими (Ю.Бобоназаров)га бюджетга тегишли ўзгартириш киритиш, туман Ғазначилик бўлинмаси (А.Шарипов)га белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш, туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (М.Курбонов)га ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Тойлок туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (А.Мирзаев), туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Хўжамуродов ва Т.Хожиқулов)лар зиммаларига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси



Б.Бабоназаров

Тойлок туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил 1-чорак ижроси тўғрисида
МАЪЛУМОТ

минг сўм

Даромадлар номи	Тасдиқланган режа	Бажарилиши	Фарқи	
			(+, -)	%
А	1	2	3	4
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	979853	768975,51	-210877,49	78,4786606
Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	934840	1035361,8	100521,8	110,752835
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3881878	3693806,72	-188071,28	95,1551471
Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	386302	468090,47	81788,47	121,172158
Акциз солиғи, жами	6224637	6427743,41	203106,41	103,262944
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	275048	306107,24	31059,24	111,292298
Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1139396	1158615,62	19219,62	101,686825
Юридик шахслар ер солиғи	604124	630780,99	26656,99	104,412503
Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	1090640	1242932,99	152292,99	113,963635
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	15527	40565,19	25038,19	261,255812
Жарималар	0	223	223	#ДЕЛ/0!
Маҳаллий йиғимлар	153179	197085,7	43906,7	128,663655
Ижара	0	420840,04	420840,04	#ДЕЛ/0!
Бошқа тушумлар	0	107866,7	107866,7	
Даромадлар жами	15685424	16498995,38	813571,38	105,186799
Коракалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ва вилоятлар бюджетидан олинган тартибга солувчи трансфертлар	5687305	5515000	-172305	96,9703577
Гранты на специальные цели	5687305	5515000	-172305	96,9703577
Видиятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан узаро ҳисоб-китоблар асосида олинган маблағлар	2022678,1	3947000	1924321,9	195,137328
ДАРОМАДЛАРНИНГ ҲАММАСИ	23395407,1	25960995,38	1924321,9	195,137328
Молия йили бошига маҳаллий бюджетларнинг асосий газначилик ҳисобварақларидаги қолдиқлар ҳисобидан маблағлар йуналтириш	1679078,64	1089400	-589678,64	64,8808206
Айланма касса маблағларининг вақтинчалик жалб қилинган қисми	1240832	0	-1240832	0
Харажатларни қоплаш учун ажратилган маблағдан ташқари, бюджетларнинг йил бошига қолган маблағ қолдиқлари	347335,73	2177846,36	1830510,63	627,014779
БАЛАНС	26662653,47	29228241,74	2565588,27	109,622404
Йил бошига қолдиқ маълумот учун		3267246,36		
Йил охирига қолдиқ маълумот учун		2197799,1		
Харажатлар номи	Аниқланган режа	Бажарилиши	Фарқи	
А	1	2	(+, -)	%
Давлат ветринария кўмитаси ташкилотлари	187108	168233,22	-18874,78	89,9123608
Фермер ҳужалиқларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш марказларини сақлаш харажат	148622	147649,64	-972,36	99,3457496
Сув ҳўжалиги ташкилотларини сақлаш харажатлари	137099	133797,2	-3301,8	97,5916673
Ободонлаштириш харажатлари	1177605	1031918,12	-145686,88	87,6285444
Иқтисодиёт учун бошқа харажатлари	15286	9801,71	-5484,29	64,1221379
Иқтисодиёт бўйича харажатлари Жами	1665720	1491399,89	-174320,11	89,5348492
Умумий таълим	2097837	1792100,52	-305736,48	85,4261089
Мақтабгача таълим	2903319,1	2866067,82	-37251,28	98,7169416
Маданият ва оммавий ахборот воситалари	142787	119621,63	-23165,37	83,7762752
Соғлиқни сақлаш	10613737	10235188,63	-378548,37	96,4334111
Жисмоний тарбия ва спорт	580295	567980,16	-12314,84	97,8778311
ТТБ Ижтимоий таъминот	10500	9459,9	-1040,1	90,0942857
Ижтимоий маданий тадбир харажатларининг ЖАМИ	16348475,1	15590418,66	-758056,44	95,3631367
Давлат бошқарув идораларини сақлаш харажатлари	1845420,64	1260625,65	-584794,99	68,3110193
Фуқораларни ўзини-ўзи бошқариш идораларини сақлаш харажатлари	979981	957902,6	-22078,4	97,7470584
Маҳаллий бюджетларнинг захира жамғармаси	401000	357651,4	-43348,6	89,1898753
Бошқа тулаш харажатлари (Адвокат)	2231	2230,5	-0,5	99,9775885
ОБОД КИШЛОК ЖАМГАРМАСИГА АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР	600000	600000	0	100
Маҳаллий бюджетда қўзда тутилмаган бошқа харажатлар	266000	189400	-76600	
Ижтимоий инфокалар	4054690	3942059	-112631	
Харажатларнинг Жами	26163517,74	24391687,7	-1771830,04	93,22786
ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ УРТАСИДАГИ УМУМИЙ ТУСДАГИ ТРАНСФЕРТЛАР ВА ҚАРЗ ОЛИШЛАР	151800	2638754,96	2486954,96	0
Узаро ҳисоб-китоблар бўйича вилоятлар ва тошкент шаҳар бюджетига бериладиган маблағлар	151800	2638754,96	2486954,96	0
ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲАММАСИ	26315317,74	27030442,66	715124,92	102,717523
ДАРОМАДНИНГ ХАРАЖАТДАН ОШГАН ҚИСМИ	0	19952,74	19952,74	0
БЮДЖЕТЛАРНИНГ ЙИЛ БОШИГА ЭРКИН ҚОЛДИГИ	347335,73	937014,36	589678,63	0
ЙИЛ БОШИГА АЙЛАНМА КАССА МАБЛАҒЛАРИ	0	1240832	1240832	0
Б А Л А Н С	26662653,47	29228241,76	2565588,29	109,622404
ЙИЛ БОШИГА ҚОЛДИҚ МАЪЛУМОТ УЧУН		3267246,36		
ЙИЛ ОХИРИГА ҚОЛДИҚ МАЪЛУМОТ УЧУН		2197799,1		

Молия бўлими муdiri

Ю.Бобоназаров